

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

НУРГАЛИЕВ ИЛЬНАР НАКИПОВИЧ

**ХИТОЗАН ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИНГ “ТУЗИЛИШИ-
ХОССА”СИНИ КОМПЬЮТЕР МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.06 – Полимерлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации
Contents of the thesis of doctoral (Doctor of Science) dissertation

Нургалиев Ильнар Накипович

Хитозан ва унинг ҳосилаларининг “тузилиши- хосса”сини компьютер моделлаштириш.....3

Нургалиев Ильнар Накипович

Компьютерное моделирование «структура-свойство» хитозана и его производных.....27

Nurgaliev Inar Nakipovich

Computer modeling "structure-property" of chitosan and its derivatives.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works60

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

НУРГАЛИЕВ ИЛЬНАР НАКИПОВИЧ

**ХИТОЗАН ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИНГ “ТУЗИЛИШИ-
ХОССА”СИНИ КОМПЬЮТЕР МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.06 – Полимерлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/FM31 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рашидова Сайёра Шарафовна

кимё фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Хохлов Алексей Ремович

физика-математика фанлари доктори,
профессор, Россия фанлар Академиясининг
академиги

Матрасулов Даврон Урунович

физика-математика фанлари доктори,
профессор

Адылова Фатима Туйчиевна

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б уй. Тел.:(+99871)241-85-94, факс: (+99871)241-26-60, e-mail: polymer@academy.uz.)

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б уй. Тел.:(+99871)241-85-94).

Диссертация автореферати 2019 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.

(2019 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Т.М. Бабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор

А.А. Атаханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., кат.и.х.

Г. Раҳманбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раис ўринбосари,
к.ф.д, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда макромолекулалар хоссаларини, уларнинг нанозаррачалари ва улар иштирокидаги кимёвий реакцияларни ўрганишда молекуляр моделлаштиришдан асосий восита сифатида фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Математик ва компьютер ҳисоблаш усулларини қўллаш орқали юқори молекуляр бирикмаларнинг хоссаларини тавфсифлаш ва аниқлаш имкониятларини кенгайтириш, юқори молекуляр тизимларининг хоссаларини олдиндан айтиб бериш соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёда етакчи тадқиқотчилар томонидан диссертация мавзуси билан боғлиқ бўлган ва уларнинг долзарблиги ва заруратини белгилаб берувчи қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунда турли хил соҳаларда қўлланилувчи биологик фаол полисахаридлар ва улар асосида нанозаррачалар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Молекуляр динамика усуллари жадал ривожланиб материал ҳақида фан, полимерлар физикаси, минерология, астрофизика, портлаш назарияси ва бошқа соҳаларга тадбиқ қилинмоқда. Полимер тизимларда энергия ўзгариши, электрон ўтиши каби физик-кимёвий жараёнлар ва электрон тузилишлар ўрганилган. Полимерларнинг физик-кимёвий, физик-механик ва биологик хоссаларини ҳисоблаш ва олдиндан айтиб бериш учун янги алгоритмлар ва моделлар ишлаб чиқиш, полисахаридлар ва уларнинг ҳосилалари асосида янги полимер тизимларнинг хоссаларини башорат қилиш ва дизайнини яратишда компьютер кимёси усуллари имкониятларини кенгайтириш; юқори молекуляр бирикмалар нанокимёси, нанофизикаси ва нанотехнологияси каби йўналишлар ривожланиши билан биологик фаол табиий полимерларнинг моделларини яратиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикада биологик фаол синтетик ва табиий полимерлар, жумладан, полимерметалл комплекслар синтези ва уларни тадқиқ қилиш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар¹ стратегиясида мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш ҳамда фундаментал тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиш вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун ҳар хил функционал гуруҳ тутган полимерларнинг электрон характеристикаларини ўрганиш, полисахаридларнинг биологик фаоллиги номоён бўлиш моделини яратиш, полимер тизимлар тузилишининг умумий назария эффектини топиш, полисахарид ва уларнинг ҳосилаларининг ноёб хоссаларининг номоён бўлиш табиатини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

¹ 2017 йил 07 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947- сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, 2018 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чоп этилган “2019-2021 йилларда Ўзбекистонда тузилмали ислохотларнинг асосий йўналишларининг йўл харитаси”да ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналиши доирасида.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Табiiй полимерлар ва улар асосида олинган нанотизимларнинг ҳар хил хоссаларини компьютерли моделлаштириш соҳасидаги илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассалари, жумладан: Unilever Centre for Molecular Science Informatics (АҚШ), University Chemical Laboratory (АҚШ), University of Cambridge (АҚШ), University of British Columbia (Канада), University of Strasbourg (Франция), Department of Applied Physics (Хиндистон), Institute of Nanotechnology at Karlsruhe Institute of Technology (Германия), «Биоинженерия» маркази (Россия), Москва Давлат Университети (Россия) томонидан олиб борилмоқда.

Полимер тизимларни моделлаштириш ва экспериментал тадқиқотларни назарий интерпретация қилишга оид жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: белгиланган хоссали полимерларнинг компьютерли синтез усуллари ишлаб чиқилган, полимерлар тизимларини моделлаштириш учун ҳисоблаш гибрид тизимлари яратилган (Элементорганик бирикмалар кимё институти (Россия)), полимерлар хоссаларини моделлаштиришда графлар топологияси ва назарияси яратилган (Dow Chemical, Energy Conversion Devices, University of California, АҚШ), молекуляр динамика усули ёрдамида биомолекуляр ва полимер тизимларнинг модели яратилган, турли хил фазовий ва вақт ўлчамларида моделлаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Москва Давлат университети, Россия), қаттиқ занжирли макромолекулали полимер эритмаларнинг моделлаштириш усули ва полимер информатикаси усули ишлаб чиқилган (Swinburne University of Technology, Австралия), мураккаб полимер тизимлари учун статистик механика ва динамика усуллари яратилган ва тадбиқ қилинган (Юқори молекуляр бирикмалар кимёси институти, Россия), хитозаннинг молекуляр тузилиши ва конформацион динамикасини ўрганиш усули ишлаб чиқилган (University of Zurich, Швейцария), полимер тизимларининг хоссаларини башорат қилиш учун топологик дескрипторлар ишлаб чиқилган (Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Ўзбекистон).

Дунёда полимер тизимларнинг назарияси ва моделлаштириш бўйича қуйидаги қатор устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: ҳалқали ва тармоқланган полимерлар, блок сополимерлар ва уларнинг аралашмаларининг тузилиши ва динамикасини ўрганиш; дендримерлар, суяқ кристалл полимер тизимларни, полимер композитлар ва комплексларни моделлаштириш; мураккаб биополимер ва нано ўлчамли тизимларни моделлаштириш ва назариясини ривожлантириш; ички майдоннинг полимер тузилиши ва динамикасига таъсирини ўрганиш; полимер тизимларнинг электрон тузилишини ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табиий бирикмалар, уларнинг ҳосилалари ва комплекслари, ҳамда синтетик полимерларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва моделлаштириш дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказларнинг олимлари, америкалик (D.W. Van Krevelen, N. Adams, J. Vicerano), россиялик (А.А. Аскадский, А.Р. Хохлов, К.В. Шайтан, Н.К. Балабаев, А.Л. Рабинович, П.Г. Халатур, С.В. Люлин, А.В. Люлин, Т.М. Бирштейн, А.А. Даринский), германиялик (F.H. Stillingner, Th. A. Weber, R. Goetz, R. Lipowsky), япониялик (S. Ihara, S. Itoh, J. Kitakami), хитойлик (L. Qi, W.L. Young, S.B. Sinnott) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Лекин таркибида турли хил функционал гуруҳ тутган полимерларнинг реакцион фаоллигига электрон тузилишининг таъсири етарли даражага ўрганилган.

Биологик молекулярнинг, хусусан протеинларнинг, моделини квант механиканинг ва молекуляр механиканинг гибрид усулларини қўллаш орқали тавсифлаш кўпчилик олимлар томонидан ўрганилган ва мунозара қилинган, жумладан англиялик (М. Левитт, М. Карплус), америкалик (Э. Мак-Кэммон, М. Карплюс), исроиллик (Ш. Лифсон), франциялик (Л. Верле) ва бошқалар. Лекин полисахаридлар тузилишини батафсил ўрганиш ва полимерларнинг электрон тузилиши билан реакцион қобилияти орасидаги боғлиқлик бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Биологик жараёнларнинг синергетикаси германиялик (Г. Хакен), бельгиялик (И. Пригожин, Р. Дефей, И. Стенгенс), россиялик (Н.Н. Моисеев, В.И. Арнольд, М.В. Волькенштейн), ўзбекистонлик (Б.Л. Оксенгендлер, Н.Н. Тураева) олимлар томонидан ўрганилган, полисахаридларнинг физик-кимёвий хоссаларини ҳисоблашда инкремент усулидан фойдаланган ишларни (Р.С. Тиллаев, С.Ш. Рашидова, У.Н. Мусаев, Х.И. Акбаров) алоҳида таъкидлаш лозим. Радикал полимерланиш жараёнида мономерларнинг тузилиши билан уларнинг фаоллиги орасидаги боғлиқликни регрессион анализ усули билан ўрганиш ўзбекистонлик (А.А. Торопов, В.О. Кудышкин) олимлар тарафидан бажарилган. Аммо ҳозиргача полимерларнинг устмолекуляр тузилишини уларнинг хоссаларига таъсири аниқланмаган. Бундан ташқари, ҳозиргача полимерланиш жараёнида реакцион марказлар ҳақидаги савол очик қолмоқда, тирик организмлардаги биокимёвий жараёнларда биологик фаол полимерларнинг роли тўлиқ тушунтирилмаган.

Электр ўтказувчи полимерлар хоссалари ва синтези назарий

қонуниятлари, бир ўлчам занжирли молекулаларнинг ўтказувчанлиги компьютер модели, полимерлар хоссаларининг молекуляр параметрларига боғлиқлиги, “ақли” полимерлар модели кўпчилик олимлар томонидан ўрганилган, жумладан, ўзбекистонлик (М. Шарафутдинов, Ю. Абрикина, О.Е. Сидоренко), финляндиялик (J. Vuorinen), голландиялик (F.A.M. Leermakers), швециялик (V. Kocherbitov), россиялик (С.В. Бронников) ва бошқалар. Шу билан бир қаторда полисахаридлар ва уларнинг ҳосилалари учун молекуляр тизимлар моделини тузиш ва хоссаларини олдиндан айтиб бериш масаласи ёритилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг 3Ф-1 «Полимер системаларда нано заррачалар ва наноструктуралар шаклланишининг илмий асоси» (2003-2007 йй.); ФА-3 Ф-Т-100 «Полимерларда наноструктуралар. Махсус хоссали материаллар яратиш усулларининг хоссалари билан боғлиқлиги» (2007-2012 йй.); ФА-ФЁ7-015 «Уруғларни биологик фаол нанополимерлар билан капсулалаш жараёни физик-кимёвий синергетик жараёнларни моделлаштириш» (2013-2014 йй.); ЁФ5-ФА-0-11503 «Биологик фаол полимерлар билан капсулланган ғўза уруғларининг биокимёвий жараёнларнинг назарий тадқиқотлари» (2014-2015 йй.); ФА-Ф7-Т-008 «Махсус хоссали нанополимер системаларнинг табиий ва синтетик полимерлар модификацияси ва реакция шароитлари билан боғлиқлиги» (2012-2016 йй.); ОТ-Ф7-01 «Нанополимер системалар ва махсус хоссали материалларни яратишда кинетик ва электрон тузилиш асосларининг роли» (2016 йй.-х.вақтгача.) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хитин, хитозан ва унинг ҳосилаларининг электрон хоссаларини молекуляр моделлаштириш ва уларнинг реакцион қобилияти билан тузилиши орасида ўзаро боғлиқлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

функционал гуруҳ тутган полимерларнинг реакцион фаоллигини электрон спектридаги тирқиш қатталигига боғлиқлиги концепциясини ишлаб чиқиш;

ҳар хил занжир узунлиги ва деацетиллаш даражасига эга бўлган хитин, хитозан ва унинг ҳосилаларининг, аминогуруҳларнинг протонланишини ҳисобга олган ҳолда, электрон тузилишини компьютер ёрдамида тадқиқ қилиш;

хитин, хитозан ва карбоксиметилхитозан заррачалар агрегациясида ўзаро таъсирлашув энергетик параметрларни: ўзаро таъсирлашиш максимал энергияси, сирт юзаси, чекли ўлчамини ҳисоблаш;

N-, N,O; O- карбоксиметилхитозаннинг электрон характеристикаларини ҳисоблаш, уларни реакцион қобилияти билан боғлиқликни аниқлаш ва карбоксиметилхитозан занжирининг агрегацияси алгоритминини яратиш;

тузилиш-динамик характеристикаларини аниқлаш учун хитозаннинг

аскорбин кислотаси билан ўзаро таъсирлашувини молекуляр-динамик моделлаштириш усули билан тадқиқ қилиш;

электрон тузилишни моделлаштириш учун квант-кимёвий ҳисоблар апробациясини ўтказиш ҳамда целлюлоза ва унинг ҳосилалари, баъзи полиолефинлар, полиқўшма полимерларнинг реакцион қобилятини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида табиий полимерлар хитин, хитозан ва унинг ҳосилалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети хитин, хитозан ва унинг ҳосилалари асосидаги полимер тизимларнинг геометрик ва конфигурацион тузилишининг электрон характеристикаларини ҳисоблаш ва уларнинг реакцион қобиляти билан боғлиқлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. ChemBioOffice 2010 (CambridgeSoft) пакетига кирувчи Hyperchem, ChemDraw ва Chem3Dpro дастурлари асосида квант-механика, молекуляр механика, динамика усуллари ёрдамида электрон характеристикаларни моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кимёвий реакцияларнинг виброн назарияси доирасида (қуйи эркин молекуляр орбитал (ҚБМО), юқори банд молекуляр орбитал (ЮБМО)) полимерларнинг функционал гуруҳларининг реакцион қобиляти электрон спектрдаги тирқиш катталигига боғлиқлиги концепцияси ишлаб чиқилган;

илк бор ярим эмперик усулда узунлиги ва деацетилланиш даражаси турлича бўлган хитозан занжирлари учун электрон характеристикалар (ЮБМО ва ҚБМО орбиталлар) ҳисобланган ва хитозан занжиридаги звенолар сонига боғлиқ ҳолда энергиялар фарқининг ўзгариши монотон бўлмаган характерга эга эканлиги кўрсатилган, бу занжирдаги мономер звенолар сонининг ортиши электрон тузилишга таъсири ва мос равишда электрон ўтишнинг осонлиги натижасида реакцион қобилятининг ўзгариши аниқланган;

илк бор хитин, хитозан ва карбоксиметилхитозаннинг агрегацияланган зарраларнинг шакли ва ўлчами, ҳосил бўлиш тезлиги, полисахаридларнинг тузилиш характеристикалари хитозандаги протонланган аминогуруҳлар миқдори, деацетилланиш даражаси, карбоксиметилхитозан занжири узунлиги ва алмашиниш даражаси билан боғлиқлиги кўрсатилган;

илк бор хитозаннинг аскорбин кислотаси билан ўзаро таъсирлашуви бўйича молекуляр-динамик ва квант-кимёвий тадқиқотлар натижасида термодинамика ва квант кимёси нуқтаи назаридан хитозан-аскорбин кислотасининг турли хил ўзаро таъсирлашуви мавжудлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полисахаридларнинг функционал гуруҳларнинг реакцион марказларини ва деацетиллаш даражасини уларнинг электрон тузилишига таъсирини тавсифловчи полимерларининг реакцион қобилятини баҳолашнинг янги усули ишлаб чиқилган;

ҳар хил занжир узунлиқдаги ва деацетиллаш даражасига эга бўлган

хитин ва хитозаннинг агрегирланган занжирлари учун ўзаро таъсирлашув энергиясини, чекли ўлчамларини, сирт юзасини ва ҳажмини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

хитозан ва унинг ҳосилаларининг энергетик даражаси бирикманинг электрон тузилишини ўзгартирувчи ҳар хил функционал гуруҳларнинг мавжудлигига боғлиқлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда квант-механика ва назарий физика усуллари ҳақида юқори аниқликдаги рақамли усуллар ва алгоритмлардан фойдаланганлиги, олинган назарий натижалар мавжуд экспериментал ва бошқа олимларнинг натижалари билан таққослаш олиб борилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда олинган натижалар ёрдамида ҳар хил занжир узунликдаги ва деацетиллаш даражасига эга бўлган хитин ва хитозаннинг электрон характеристикаларини ҳисоблаш ва реакцион қобилиятини башорат қилиш имкониятини бериши билан белгиланади. Бундан ташқари, яратилган хитозан, карбоксиметилхитозан полимер занжирларининг агрегацияларининг модели, хитозан-аскорбин кислота тизимида ўзаро таъсирлашув модели, шу каби тизимларни ўрганишда фундаментал асос сифатида қўллаш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти улар ёрдамида экспериментаторлар учун ўрганилаётган объектларнинг хоссаларини олдиндан айтиб бериш мумкинлиги билан ҳамда полисахаридлар асосидаги полимер тизимларнинг ҳар хил характеристикаларини баҳолаш, полимер тизимларда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш учун фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Натижалар, шунингдек полимерлар физикаси, ҳамда наноструктура ва наноматериалларни ўрганувчи янги соҳа конденсирларган ҳолат физикаси соҳаси учун фойдали бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хитин, хитозан ва унинг ҳосилаларининг электрон хоссаларини молекуляр моделлаштириш ва уларнинг реакцион қобилияти билан тузилиши орасида боғлиқлигини аниқлаш асосида:

полимер тизимларнинг хоссаларини квант-кимёвий моделлаштиришнинг назарий асослари ва компьютер моделлаштириш усули бўйича олинган натижалар 19-03-00348 рақамли «Закономерности формирования композитных хитозановых гелей с металлическими наночастицами в растворах угольной кислоты под высоким давлением» Россия илмий фонди грантида хитозан гелларида металл нанозаррачаларининг шаклланиш қонуниятларини яратишда фойдаланилган (Москва давлат университетининг 2019 йил 26 июндаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилишини хитозан билан металл нанозаррачалар орасидаги таъсирлашувнинг моделини ва қонуниятларини яратиш имконини берган;

хитозан-эритувчи, хитозан-хитозан таъсирлашуви, хитозаннинг амин гуруҳлари протонланишидаги боғловчи молекуляр орбиталлар (ҚБМО) ва ажратувчи молекуляр орбиталлар (ЮБМО) фарқларининг компьютер моделлаштириш усули 02.А03.21.0006 рақамли «Радиационная физика функциональных материалов» Россия илмий фонди грантида хитозаннинг адсорбцион хоссаларини таҳлил қилишда фойдаланилган (Урал Физика-технология Федерал университетининг 2019 йил 10 июндаги 33.05-32/36-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши протонланган аминогуруҳ тутган хитозан занжирларнинг электрон характеристикаларини ўрганиш қонуниятини аниқлаш ва углерод нанотрубкаларнинг адсорбцияси таъсирини ўрганиш имконини берган;

квант-кимёвий усуллар ёрдамида ишлаб чиқилган компьютер моделлаштириш ВА-ФА-Ф-6-010 рақамли «Табий бирикмалардаги гетероатомлар: молекуляр ўзаро таъсир, рецепторларни таниб олиш, фармакофорлар» илмий лойиҳасида бинар эритмаларда барқарор гетеромолекуляр тузилмаларнинг оптик хусусиятларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 27 июлдаги 4/1255-2039-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши табиий бирикмаларда донор-акцептор характеристикаларига гетероатом таъсирини аниқлаш имконини берган;

полимер тизимларининг хоссаларини квант-кимёвий моделлаштириш Ф-7-52 рақамли «Кўп компонентли полимер ва полимер-силикат наногибрид тизимларининг термодинамик хусусиятлари» ва А-12-57 рақамли «Нанодисперс кремний ишлаб чиқишнинг зол-гел технологияси» лойиҳаларда полимер-нанодисперс кремнезем тизимлардаги механизмларни назарий асослашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 29 июлдаги 89-03-2840-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши полимер-кремнезем тизимида молекулалараро таъсирлашувини аниқлаш ва нанодисперс кремнеземнинг электрон характеристикаларини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 19 та халқаро ва Республика илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий ишлар нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий мақола ҳорижий ва маҳаллий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертацияда ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, ҳамда объект ва предметлари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги ва ишончилиги белгиланган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва аҳамияти уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги тавсифланган, чоп қилинган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Полимер тизимларини компьютер моделлаштириш методикаси ҳақида умумий тушунчалар»** номли биринчи бобда кичик молекуляр полимер системалар ва нанотизимларнинг компьютер моделлаштириш борасидаги замонавий усулларига оид адабиётлар таҳлили келтирилган. Квант-кимёвий усуллар, молекуляр динамика усуллари, ҳар хил тизимларнинг электрон структуралар ўзгариши ва уларнинг кимёвий бирикмалар реакцион қобилиятлари билан боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Хитин ва хитозанни моделлаштиришнинг бир қатор омилларига оид адабиёт маълумотлари келтирилган. Мавжуд экспериментал ва назарий маълумотлар асосида вазифалар шакллантирилган. Мавзунинг долзарблиги асосланган, ҳар-хил узунликдаги хитозан ва унинг ҳосилалари электрон структурасини аниқлашда ва унинг деацетилланиш даражаси функционал гуруҳлар сони ва реакцион қобилияти билан боғлиқлигини ва бунинг натижасида самарали ҳусусиятларининг намоён бўлишида компьютерли моделлашнинг зарурлиги ҳақида хулосалар қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Хитин ва хитозанни компьютер моделлаштириш»** полимерлар занжирида ҳар хил функционал гуруҳ тутган хитозаннинг конформацион таҳлили, динамик ва электрон хоссаларини ҳисоблаш усулларига оид, реакцион қобилиятнинг квант-кимёвий назариясига оид муаммолар муҳокамасига оид маълумотлардан ташкил топган.

Хитин (ХТ) ва хитозан (ХЗ) функционал гуруҳлари электрон тузилишлари ўзгариши билан боғлиқлиги, хитозан-сирка кислота тизимлари ва сув молекулалари қуршовидаги хитозан занжири моделининг электрон характеристикалари квант-кимёвий ҳисоблашлар орқали тадқиқ қилинди.

Ҳар бир полимер субстрати молекуласи умумий субстрат учун хос бўлган ягона ҳар хил реакцион қобилиятга эга спектрни (реакцион марказларни) ўзида акс эттиради.

Полимерларнинг реакцион қобилиятлари кўп омилларга боғлиқ бўлиб, бир қатор функционал гуруҳларининг мавжудлиги умумий тушунча ҳисобланади ва ҳозирги кунда полимерлар физикаси ва кимёси доирасида мазкур масаланинг фундаментал тушунчаларини ойдинлаштириш зарурати вужудга келди.


Электрон спектрларидаги ҳосил бўладиган қуйи эркин ва юқори банд

молекуляр орбиталлар энергиясидаги фарқ сифатида акс эттириладиган оралик тирқиш (щель), худди шундай тушунча ҳисобланади:

$$\Delta^0 = E_{\text{ЮБМО}}^0 - E_{\text{ҚБМО}}^0$$

Кичик молекулалар учун реакция қобилиятга оид мавжуд квант усуллар мавжудлигини шуни кўрсатадики, А молекуланинг В молекула билан таъсирлашишдаги реакция қобилияти аралаш системалар электронлари тирқиши ўлчамларига боғлиқ бўлади, яъни реакция оралик ҳолатдаги $[AB]$, комплекслари учун $\Delta \neq \Delta^0$ қиймат ўринли бўлади (1-расм). Бироқ полимерларнинг электрон структуралари бўйича янги тушунчалари ҳақида таклифлар мавжуд эди. Асосий ғоялар чегараланган зонадаги электронларнинг ҳолатига бағишланган, негаки полимерлар структурасидаги тартибсиз ҳолатлар билан (масалан, сополимер, ҳар хил функционал гуруҳлар сақлайди) алоқадор бўлади.

Янги тушунчалар полимерлар физикаси учун маълум бўлган эффектлар ҳақида, уларнинг бир қатор хоссаларини олдиндан айтиш имконини беради. Бироқ, Δ ва Δ^0 орасида номувофиқ боғлиқлик мавжуд бўлиши керак эди, аммо ҳамма ҳолатларда ҳам эмас. Демак, ҳисобланадиган $\Delta = f(\Delta^0)$ функция ечимга эга бўлмаган ва бу полимерлар физикаси доирасида актуал вазифа ҳисобланади.



1-расм. А ва В реагентдан иборат биргаликдаги системанинг чегара орбиталлари ($\Delta \neq \Delta^0$)

Маълум бўлган усуллар орқали кимёвий реакцияларнинг квант назариясини полимерларга қўллаган ҳолда умумий алгоритмларини муҳокама қиламиз. Демак, В молекуласининг А полимерига тўқнашиши содир бўлсин. Энг аввало полимернинг ҳужум қилувчи соҳасини ажратиш муҳим бу соҳа локал бўлади. Кейинчалик бу локал соҳанинг электрон структурасига мувофиқ содир бўладиган реакция алгоритмлари хусусида муҳокама қила оламиз. Юқоридаги алгоритмларга мувофиқ биргаликдаги системаларнинг ҳужум қилувчи полимернинг электрон спектрларида боғловчи ва ажратувчи орбиталларнинг оралик ҳолати Δ (ҚБМО_{умумлаштирилган}, ЮБМО_{умумлаштирилган}) – тирқишини ажратиб олиш зарур (1-расм).

Хулоса қилиб айтганда, умумий ҳолатда реакция қобилият хусусий тизим махсулотлари юқоридаги назария асосида ўрганилмаган, Δ катталиқ

ҚБМО ва ЮБМО қийматлари орқали функционал гуруҳлар сақлаган алоҳида полимерларни реакция қобилиятларини ва тажриба натижаларини муҳокама қилиш учун фойдаланилади.

Танланган моделлар учун кимёвий реакциялар доирасидаги вужудга келган тўсикни қуйидагича келтирамиз:

$$Q = Q_0 \left[1 - \frac{a^2}{k\Delta} \right] \quad (1)$$

$$a = \int \Psi_{\text{ҚБМО},A}^{(0)} \frac{\partial V}{\partial q} \Psi_{\text{ҚБМО},B}^{(0)} d\tau \quad (2)$$

Бу ерда (A) полимернинг тўлқин функцияси ва ҳужум қилувчи (B) молекулалари A ва B яқинлашган, кўзгалмаган ҳолати. Деярли яқинлашган ҳолатини инобатга олиб, (хатто B молекулага яқинлашган ҳолатида) полимернинг электрон структураси (бу учун ЮБМО), шундай бўлган ҳол учун аниқлаш зарур бўлади

$$\Psi_{\text{ҚБМО},A}^0 \rightarrow \Psi_{\text{ҚБМО},A}^{\text{BOEM}} \quad (3)$$

$$\Psi_{\text{ҚБМО},A}^{\text{BOEM}} = \Psi_{\text{ҚБМО},A}^0 + C \Psi_{\text{ЮБМО},A}^0 \quad (4)$$

$\Psi_{\text{ҚБМО},A}$ молекуляр орбиталларининг кўзгалган ҳолатининг қўшган ҳиссаси фақат A нинг ҚБМО ҳолат ўзгаришларини билдиради. A молекула бошқа ҳолатларига кам ҳисса қўшади, шу боис, масалан A нинг ЮБМО биринчи даражаси жуда юқорида ётади – бу реал вариант.

Эндиликда, квант механика назариясинидан фойдаланиб, C компонентни аниқлайлик (кўзгалган ҳолат назарияси).

$$C = \frac{\int [\Psi_{\text{ҚБМО},A}^{(0)} \Psi_{\text{ЮБМО},A}^{(0)} V] d\tau}{E_{\text{ҚБМО},A}^{(0)} - E_{\text{ЮБМО},A}^{(0)}} \quad (5)$$

Бу ерда V- кўзгалган ҳолат A полимерга B молекула орқали кириб келади. Барча (0) индекслар, қайсики B молекуланинг A молекулага жуда узоқ жойлашганида кўзгалишгача бўлган ҳолатни англатади.

Энди $\Psi_{\text{ҚБМО},A}^0$ ўрнига қуйидаги қийматни қўйиб ҳисоблаш зарур

$$\Psi_{\text{ҚБМО},A}^{\text{BOEM}} = \Psi_{\text{ҚБМО},A}^0 + C \Psi_{\text{ЮБМО},A}^0$$

Бу ҳолда қуйидагига эга бўламиз

$$a = \int \frac{\partial V}{\partial q} \Psi_{\text{ҚБМО},A}^0 \frac{\partial V}{\partial q} \Psi_{\text{ЮБМО},B}^{(0)} d\tau + C \int \frac{\partial V}{\partial q} \Psi_{\text{ЮБМО},A}^{(0)} \Psi_{\text{ЮБМО},B}^{(0)} d\tau \quad (6)$$

Энди, полимерлар учун танланган (a) виброн константанинг роли ва унинг макромолекулалар учун катталиги ҳақидаги муҳим саволни қараб чиқсак. (6)-формуладан иккинчи интегралнинг катталиги кўзгалмаган ҳолатдаги тўлқин функцияси $\Psi_{\text{ЮБМО},A}^{(0)}$ билан боғлиқлиги кўринади.

Эндиликда танланган константа кўзгалган ҳолатнинг тўлқин функцияси орқали ҳисоблана олади, яъни кўзгалган ҳолат даражаси ошиши билан

$$\frac{\langle \text{ЮБМО}_A^0 | V | \text{ҚБМО}_A^0 \rangle}{\Delta_0} \equiv C$$

пропорционаллик коэффициенти Δ_0 ҳам ортиб боради. Назарий физика асосларидаги умумий тушунчаларга кўра, ярим бир ҳил


ўлчамли тизимлар тўлқин функциялари (юқори кўрсатилган) кўп омилларга (композицион тартибсизлик, конформациялар- асосий ҳолатда интеграл I (6) полимер электронларининг локаллашиши (λ), билан ортиб боради) боғлиқ ҳолда локаллашган ва делокаллашган бўлиши мумкин, яъни:

$$\partial I / \partial \lambda > 0.$$

Бироқ, λ нинг ($\partial \Omega / \partial \lambda < 0$) ортиб бориши билан А нинг локаллашган жойга мувофиқ келиши эҳтимоллиги (Ω) хужум қилувчи молекула В тоамонидан камайиб боради.

Шу боисдан реакциянинг умумий эҳтимоллиги I- Ω кўлайтмасига боғлиқ, ва λ катталигига боғлиқ ҳолда бир қатор жараёнларда максимумга эга бўлади $\lambda_{\max} \sim 1/L$, қайсики L-локалланиш узунлиги. Шундай қилиб, кимёвий реакцияларни оптимизациялаш ўзининг ўрнига эга экан. Айтиш мумкинки, макромолекулалардаги электронларнинг локаллашиши ҳақидаги қарашлар сополимерлар иштирокидаги ҳолатлар учун муҳим ҳисобланади (2-расм).

Агар сополимерларнинг электрон структурасини кўриб чиқадиган бўлсак, ҳар хил функционал гуруҳлари мавжуд бўлган мономер звеноларининг тақсимланишига мувофиқ электрон ўтиш оралиқлари Δ (ЮБМО-ҚБМО) электрон структура ўзгариб боради.



2-расм. А-В сополимернинг электрон тузилиши

Полимерларнинг реакция қобилиятининг, электрон спектрлардаги тирқиш (Δ_0) катталиги билан боғлиқлиги янги концепция орқали акс эттирилса, қуйидагилардан ташкил топади: кимёвий реакциянинг танланган назария доирасида икки тенгламали яқинлашиш (ЮБМО, ҚБМО), ҳар хил функционал гуруҳ сақлаган полимернинг функционал гуруҳлари, масалан полисахаридларда қўзғалган ҳолат учун (қўзғалган ҳолат назарияси асосида) танланган константа «а» қиймати орқали ифодаланадиган электроннинг антибат тирқиш ўлчамларига боғлиқ бўлади.

Бизнинг ҳолатимизда танланган константа қўзғалган ҳолатнинг тўлқин функцияси ва қўзғалиш даражаси пропорционаллиги асосида ифода этилади.

$$\frac{\langle \text{ЮБМО}_0^A | V | \text{ҚБМО}_0^A \rangle}{\Delta_0} \equiv c \quad (7).$$


Ҳар хил функционал гуруҳлар тутган полимерларнинг реакция қобилиятининг квант тушунчаси, кимёвий жараёнларда реагентларнинг синергизмига асосланади, бироқ бир қатор яқин ҳолатлар учун индивидуал характерга эга.

Электрон спектрларнинг рақамли аниқланишида ва реакция қобилияти билан боғлиқ ҳолда, ХЗ молекуляр динамика ва квант кимёвий усуларни қўллаш ёрдамида компьютер моделлаштириб олинган моделларининг ҳар

хил характеристикаларининг ҳисоблашлари амалга оширилди.

Ҳисоблаш мақсадида Chem 3D дастур пакетидан, моделларни дастлабки йиғиш жараёнида ChemDraw (ChemBioOffice 2010 программа дастур) ва шунингдек, HyperChem 8.0 программа дастур (Хюкелнинг кенгайтирилган полиэмпирик усули, функционал зичлик усуларидан (Minimal-STO-3G).) фойдаланилди.

3-расмда хитозан мономер звеносининг молекуляр модели ва структураси келтирилган.



3-расм. Хитозан мономер звеносининг молекуляр модели, структураси ва ЮБМО ҚБМО орбиталларининг график кўриниши

Чегарали молекуляр орбиталлар ҚБМО ва ЮБМО, қоидага кўра кимёвий реакцияларда, электрон ва оптик характеристикаларида муҳим рол ўйнайди.

1-Жадвал

ХЗ ва ХТ нинг ҳисобланадиган электрон хоссалари

Моделли структура	ҚБМО, эВ	ЮБМО, эВ	ΔE , эВ
Хитозан мономер	2,5249	-9,4792	-12,059
Хитозан димери	1.4131	-9.8712	-11,3889
Хитин мономер	1.4327	-10.0918	-11,7833
Хитин димер	1.3055	-9.9262	-11,6952


ХЗ нинг полуэмпирик AM1 усули билан олинган модели ҚБМО ва ЮБМО энергияларини характерлайди. Шу билан бирга, ХЗ ва ХТ мономер ва димер тузилишлари учун электрон характеристикалари ўзгаришини нисбий баҳолаш учун ҳисоблашлар ўтказилди.

Ҳисоблаш натижалари (1-жадвал), кўрсатишича ΔE кўрсаткичи ХЗ димер тузилиши учун камроқ қийматга эга бўлди, аммо ХТ димер тузилиши учун бу кўрсаткич 0,3 эВ га ортиқ экани аниқланди.

ҚБМО ва ЮБМО орбиталларининг ҳисобланган энергиялари Малликен назариясига мувофиқ, ҚБМО (амин гуруҳи азот атомидаги) донор орбитали

зарядининг акцептор орбитал ЮММО комплекс узатилиши орасида боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади (3-расм).

Молекуляр орбиталларнинг юқори бандлиги асосан азот атомларига мувофиқ келади, энг кам банд бўлмаган молекуляр орбитал карбоксил гуруҳида жойлашган кислород атомига мувофиқ келди.




4-расм. а) Хитозан занжири учун энергетик оралиқ ўзгаришлари; б) ХТ ва ХЗ занжиридаги звенолар сонига мувофиқ энергетик фарқнинг ўзгаришлари

Умумий ҳолда электрон ўтишлар натижасида реакция қобилиятнинг ўзгаришларига олиб келувчи конфигурацион тузилиш билан боғлиқ бўлган, занжирда мономер звенолар сонининг ортиши ва камайиши ҳақида далолат берувчи, монотон характерга эга бўлмаган ХТ ва ХЗ энергия фарқлари аниқланди (4-расм).

ХЗ нинг электрон характеристикаларини аниқлашда фойдаланилган полуэмпирик квант-кимёвий метод натижалари занжир узунлиги ортиши билан реакция қобилият ўзгаришига олиб келувчи ҚБМО ва ЮБМО орбиталлари энергиялари ўзгаришларини кўрсатди.

ХЗ амин гуруҳларининг кўпчилиги зарядланган ҳолатда бўлсагина, $pH < 6$ ион кўрсаткичи қийматларида, эрувчанлик хоссасини намоён қилади.




5-расм. Хитозаннинг протонланмаган (а) ва протонланган (б) аминогуруҳ ўзига олган занжир узунлигига электрон хусусиятларнинг боғлиқлиги

ХЗ занжирининг электрон характеристикалари Хюккелнинг кенгайтирилган усули ёрдамида ҳисобланди. 5-расмда ХЗ нинг ҳар хил узунликдаги занжирлари учун ҚБМО ва ЮБМО орбиталларининг ўзгаришлари келтирилган (мономер звенолари сони 2-7 интервалида).

Протонланган амин гуруҳлари сақлаган хитозан занжирининг электрон характеристикалари аниқланди. Олинган натижалар занжирдаги звенолар сони ортиши билан чекланган майдон кенглиги ўзгариши билан ички молекуляр водород боғланиш мавжудлиги сабабли монотон характерга эга бўлмаган конформацион ўзгаришлар юз бериши аниқланди, бироқ ҚБМО - ЮБМО ўртасидаги фарқнинг сезиларли камайиши кузатилди, бу катта реакция фаоллик протонланмаган ҳолда содир бўлишидан далолат беради (6).

Молекуляр динамика ва квант кимёси усуллари қўллаган ҳолда қарама қарши зарядланган ХЗ ва ацетат ионларининг сирка кислота эритмасида (ХЗ учун кенг тарқалган эритувчи иштирокида) таъсирлашишлари тадқиқ қилинди. Келтирилган комплекснинг электрон хоссалари ҳисоблаш натижаларига кўра, ацетат ионидаги бир қатор ЮБМО орбиталларнинг мавжудлиги унинг нуклеофиллигидан далолат беради, ҚБМО орбиталлари эса, хитозан звеноларида жойлашади, бу унинг электрофиллигини кўрсатади (6-расм). Тўлқин функцияси ўзгаради, кўзғалиш қуйидагича содир бўлади: $\Psi_{НСМО,А}^0 \rightarrow \Psi_{НСМО,А}^{ВОЗМ}$, $\Delta \neq \Delta^0$ га мувофиқ С кўрсаткичи ўзгаради (7), шунингдек полимер полимер таъсирлашуви юз беради.




6-расм. Тизимларнинг электрон тузилиши а) хитозан-сирка кислота; б) хитозан-хитозан

Компьютер кимёси усуллари асосида хитозан структура модели тадқиқ қилинди, потенциал эгриси тузилди, макромолекуланинг конформацияси аниқланди, уларнинг умумий энергияси аниқланди, ҳар хил функционал гуруҳларнинг водород боғлари ҳосил қилиш имкониятлари кўрсатиб берилди. Ҳисоблашлар давомида ХЗ занжирининг амин гуруҳлари протонланиши билан электрон структураси ўзгаришлари кўрсатилди.

Натижаларга кўра, полимернинг электрон структураси функционал гуруҳлар миқдори билан боғлиқлиги аниқланди, таркибида ацетамид гуруҳлари сақлаган ХЗ сополимери бунга мисол бўлади.

Шунингдек, олдимизга ҳар хил деацетилланиш даражасига (ДАД) эга бўлган хитозаннинг электрон тузулишини ўрганиш вазифасини қўйдик.



7-расм. ΔE (эВ) ўзгаришининг ХЗ занжири звенолар сонига боғлиқлиги а) ДАД 60-70% бўлган қийматлари учун б) ДАД 90% бўлган намуналар учун

ХЗ нинг юқори ДАД қийматларида “тенг қийматли” электрон тузилишли структурага эга бўлади (7-расм), занжирида ҳар хил миқдорда функционал гуруҳлар сақлаган ХЗ қараб чиқилганида, кичик ДАД га эга бўлган ХЗ га нисбатан юқори реакцион қобилиятга эга бўлишини изоҳлаш мумкин.

ХЗ димерларининг протонланган амин гуруҳлари учун бир қатор полуэмпирик квант-кимёвий усули ёрдамида аниқланган ўртача ΔE қиймати нисбатан кичик эканлиги аниқланди.


Ўрганилаётган полисахаридлар моделида электрон характеристикалари ўзгаришларининг қўшни мономер звенолари билан ва пираноза халқасида жойлашган функционал гуруҳлари миқдорига боғлиқлиги ўрганилди. Протонланган амин гуруҳлари ΔE нинг сезиларли ўзгаришига олиб келади, яъни ҚБМО – ЮМБО оралиғининг сезиларли қисқаришига ва бу келтирилган функционал гуруҳнинг электрофил алмашиниш реакцияларидаги фаоллигини оширади.

Маълумки, полимер занжирлари учун электрон ўтиш тирқиши занжир бўйлаб тақсимланади, турли хил функционал гуруҳларининг мавжудлиги полимерлардаги электронлар ўтиш оралиғи ҚБМО – ЮМБО ўзгаришига (кам ҳолларда) олиб келади. Бу квант тушунча ҳисобланиб, у реагентларнинг реакция жараёнидаги синергизми билан аниқланади, яъни нерегуляр тизимлар учун ишлаб чиқилган назариянинг бутун тенденцияларига мувофиқ келади. Полимерларнинг реакцион қобилиятларининг электрон тузулишига

боғлиқлигини янги назария таклифи қилинди. Асосий ғоя кимёвий реакцияларнинг виброн назарияси доирасида икки тенгламали яқинлашишга (ЮБМО, ҚБМО), ҳар хил функционал гуруҳ сақлаган полимернинг функционал гуруҳлари реакция қобилияти чекланган майдонда (зонада) электрон ҳолатларининг туташилари мавжудлиги полимер структурасининг нерегуляр ҳолати билан изоҳланади.

Полимерлар физикасининг замонавий тушунчалари иккала қуйи тизимнинг электрон ва атом тузилмалари ўртасидаги чуқур боғлиқликка асосланади. Худди шу омил, квази моноструктурали эканлиги сабабли, материал сифатида полимерларга ҳам амал қилади. Шу боис, оддий зонали моделларни био- ва синтетик полимер учун қўллаш имконини яратади. Бироқ, бу соҳадаги кўплаб тажрибаларни оддий майдон (зонали) модел асосида тушуниш қийин. Шу боис, полимерлар (гомо- ва гетеро структурали) атомли структурасидаги нерегулярликни принципиал ҳисоблаш талаб қилинадиган объектлардир. Ҳар хил полимерлар структуравий нерегулярлигининг турлича назарий моделлар билан боғлиқлиги Андерсон ва Слэтер-Костер (квант-кимёвий яқинлашиш) моделларига алоҳида аҳамият касб этади, бу полимерлар электрон тирқишлари (энергетик ўтиш оралиқлари) нинг янги концепциясига асос бўлди. Бу кимё ва полимерлар физикаси жараёнлари ҳақида (уларнинг реакция қобилиятлари ҳақида) янги маълумотлар олиш имконини беради. Шундай қилиб, гомо- ва гетерополимерлар электрон тирқишга эга бўлган материаллар (аморф ярим ўтказгичлар, юқори ҳароратни ўтказувчилар) билан тўлдирилишига олиб келади.

“Хитозан занжири агрегациясининг компьютер моделлаштирилиши” мавзусидаги диссертациянинг учунчи боби хитин ва хитозан молекулаларининг агрегацияси моделларини тадқиқ қилишга бағишланган. Мономер звенolari сони 4, 6, 8, 10, 12, 14, 16, 18, 20, 22, 24, 26, 28 ва 30 бўлган хитин ва хитозан макромолекулалари моделлари тадқиқ қилинди. Ҳар хил узунликдаги хитозан заррачалари моделлари ҳосил қилинди, уларнинг шакл ва ўлчамлари макромолекулалар узунлигига боғлиқлиги келтирилди.



8-расм. а) Агрегацияланган ХЗ занжири юза ўлчамлари ўзгаришининг звенoлар сонига боғлиқлиги б) Агрегацияланган занжир ҳажми ўзгаришининг ХЗ занжири звенoлар сонига боғлиқлиги (1 – қатор ДАД 60-70%, 2 – қатор ДАД 90%).

Узунлиги кичик занжирли макромолекулалар узун занжирли молекулаларга нисбатан сфера шаклидаги тартибли ихчам заррачаларни хосил қилади (8-расм). ДАД нинг юқори даражаларида (90%) тезкор агрегация содир бўлади, шундан сўнг агрегацияланиш тезлиги камайиб боради, кўп миқдорда молекулалараро водород боғланиш вужудга келади, хитозан занжирининг зичроқ жойлашган агрегатлари шаклланиши сезиларли даражада тезлашади. ДАД агрегатларнинг шаклланиш тезлигига сезиларли таъсир қилади. Агрегатлар шаклланиш тезлигининг деацетилланиш даражасига боғлиқлиги аниқланди. Хитозан занжирининг агрегатланиши ДАД 70% бўлганда янада жадалроқ амалга ошади. Полимерлар молекуляр массаси, алоҳида молекуланинг агрегатланиш тезлигига таъсир қилмаган холда, дастлабки агрегатлар шаклланиш тезлиги билангина боғлиқ бўлади. Олинган маълумотлар зарур хусусиятларга эга бўлган заррачаларни олиш мақсадида турли хил молекуляр массали ва ацилланиш даражасига эга бўлган хитозандан фойдаланиш имкониятларини танлашга имкон беради. Заррачаларнинг ўзаро таъсир катталиклари: ўзаро таъсирлашишнинг максимал энергияси, сирт майдони, заррачалар ҳажми ҳисоблаб чиқилди. Хитин ва хитозан агрегатларининг катталиги узун полимер занжирларидан ташкил топган макромолекула узунлигига боғлиқлиги келтирилди. Олинган натижалар хитин ва хитозан агрегатлари хусусиятларини тавфсифлаш имконини берди, булар нафақат фундаментал ахамият касб этади, балки ушбу полимерлар асосида зарурий хоссаларга (ҳажмга, зичликга, тузилишга) эга бўлган дори воситаларини ташувчи воситалар сифатида қўлланилиши мумкин.

“Хитозан хосилаларини компьютер моделлаш” мавзусидаги тўртинчи бобда хитозаннинг сувда эрувчан хосиласи карбоксиметилхитозан (КМХЗ) нинг моделлаштириш натижалари келтирилган. Реакцион қобилиятни ва электрон хоссаларни тадқиқ қилинди, хитозанни карбоксиметиллаш реакциясида бориши мумкин бўлган уч хил реакция таҳлил қилинди ва бу уларнинг қўлланилиш соҳаларини аниқлашда муҳим омил ҳисобланади.

1-10 мономер звеноларидан ташкил топган N-КМХЗ молекулаларининг моделлари тузилди ва энергиялари ҳисобланди. ЮБМО ва ҚБМО энергия қийматлари фарқи ҳисобланди ва монотон характерга эга эмаслиги кўрсатилди, бу электрон зичликнинг бутун занжир бўйлаб бир хилда тақсимланмаганлигини кўрсатади ва ҳар бир молекула учун бу ўзгаришлар структуранинг геометриясига ва ички молекуляр водород боғлар миқдорига боғлиқ бўлади.

ҚБМО ва ЮБМОнинг ҳисобланган энергиялари Маликкен назариясига мувофиқ келувчи таъсирлашишлар мавжудлигини тасдиқланди. Комплекс заряд узатиш моҳияти ҚБМО донор орбитали электронининг акцептор орбитали ЮБМО га узатилиши билан амалга ошади.

Молекуляр динамик моделлаштириш N-карбоксиметилхитозан агрегатларининг хосил бўлиш энергияларини минимизациялаш ва статистик

маълумотларни таҳлил қилиш асосида кинетик параметрларини аниқлаш орқали амалга оширилади, моделлаштириш мақсадида 4 ва 8 мономер звенодан ва 3 - 6 звенодан таркиб топган занжир ўрганилган. N-карбоксиметилхитозан занжирларининг бир неча занжирлардан таркиб топган йирик агрегатларнинг ҳосил бўлиши ёки унчалик катта бўлмаган иккита занжирдан таркиб топадиган агрегатларнинг шаклланиш динамикаси макромолекулалараро водород боғлар миқдорига ва ҳосил бўлиш имкониятига асосланган бўлади.

Бошқариладиган ўлчамдаги металл нанозарраларни шакллантириш усуллари ишлаб чиқиш ва уларни ҳолисона баҳолаш долзарб ҳисобланади. Фотоника учун нанокомпозитлар ва биологик фаол қўшимчалардан доривор тизимларнинг транспорт шакллари гача бўлган тиббий мақсаддаги препаратларни яратишда хитозан истиқболли полимер ҳисобланади. Хитозаннинг таркибида амина-, гидроксил гуруҳлар мавжуд бўлган элементар звено тузилиши унинг полифункционаллиги, яъни бир вақтнинг ўзида прекурсорларни тикловчи ва ҳосил бўлаётган нанозарралар стабилизатори ролида иштирок этиш қобилиятини таъминлайди. Хитозан-металл тизимларини молекуляр динамик моделлаштириш ўтказилди. Ҳисоб-китоблар жараёнида хитозан комплекслари ҳолатида когезия энергиясининг энг кичик қийматлари ҳар хил турдаги мис билан, хитозан комплекслари ҳолатида эса кобальт иони ХЗ углевод циклида кислород билан бириккан иккинчи турдаги кобальт эканлига аниқланди. Металл зарралари стабилизацияси полимер-заррача комплекслари ҳосил бўлиши ва хитозаннинг нопротонлашган аминогуруҳлар ҳисобига таъминланади, полисахариднинг гидроксил гуруҳлари иштироки ҳам истисно этилмайди.

Хитозаннинг сувда эрувчан ҳосилаларини олишнинг асосий усуллари дан бири бу унинг турли органик кислоталар билан ўзаро таъсири ҳисобланади. Масалан, биологик фаол аскорбин кислота билан сув муҳитида ўзаро таъсирида сувда эрувчан тузлар хитозан аскорбатларини олиш мумкин. Аскорбин кислота ва баъзи табиий аминокислоталарнинг ҳосилалари ҳам биологик фаолликни номоён қилади. Бироқ, хитозан ва аскорбин кислотанинг ҳосилаларини олиш жараёнида турли экспериментал ишларнинг муаллифлари хитозан-аскорбин кислота ўзаро таъсирининг ҳар хил турлари ҳосил бўлишини тахмин қилади. Ўрганилаётган тизимда мумкин бўлган ўзаро механизмларни ўрганиш мақсадида биз томондан хитозан-аскорбин кислота тизимини моделлаштириш бажарилди.

Хитозаннинг аскорбин кислота билан молекуляр-динамик ва квант-кимёвий ўтказилган тадқиқотлар маҳсулотларни олиш жараёнида хитозан-аскорбат кислота ўзаро таъсирининг ҳар хил турлари эҳтимоли мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқариши мумкин. Шундай қилиб, адабиётларда хитозаннинг кетокислоталар билан ўзаро таъсири хусусияти тўғрисида маълумотлар бир хил хулоса бермади ёки заряд ўтказилиши билан комплекс ҳосил бўлиши ёки имин, амид ёки мураккаб эфир ҳосил бўлган ҳолда конденсация ҳосил бўлиши содир бўлади.

“Электрон тузилмани моделлаштириш учун квант-кимёвий ҳисоб-китобларни синовдан ўтказиш ва турли бирикмалар учун реакция қобилиятини ўрнатиш” бешинчи бобда целлюлоза ва унинг ҳосилаларининг электрон ҳусусиятларини ҳисоблаш натижаларини тақдим этади. Полисахаридларнинг электрон тузилишининг ўзгаришида турли ҳил алмашинувчилар мавжудлигининг таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, алмашинувчилар функционал гуруҳлари ва уларнинг миқдори электрон тузилишидаги энергия тирқишининг торайишига ва бу ўз навбатида реакциянинг кучайишига олиб келади.

Шунингдек, ушбу ёндашув баъзи полиолефинларнинг электрон ҳусусиятларини ҳисоблашда синовдан ўтказилди. Полиизобутилен, винилбензол, поливинилхлорид ва поливиниламин учун ҳар ҳил узунликдаги полиэтилен занжирлари ва 10 бирлик занжирлар учун квант-кимёвий усул билан ҳисобланган энг паст эркин молекуляр орбиталарнинг энергияларни фарқи тўғрисида ҳисобланган маълумотлар келтирилди. Ҳисобланган маълумотлардан кўриш мумкинки, полиэтилен учун энергетик тирқиш энергия фарқи бир оз ўзгаради, аммо занжирлар сони 40 дан бошлаб, бу бўшлиқ -14.16 эВдан -10.84 эВгача сезилари даражада камаяди.

Учинчи авлод қуёш батареяларида ишлатиладиган бирикмаларининг электрон ҳусусиятларини баҳолаш натижалари ҳам келтирилган. Полиқўшма полимерларнинг таркиби, энергия ва транспорт параметларини ҳисоблашнинг квант кимёвий усуллари таҳлили ўтказилди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, электрон зичлигини функционал усулда ҳисоблаш орқали моддаларнинг молекуляр ҳусусиятларини, хусусан, ионланиш потенциалини тахмин қилиш мумкин.

Шунингдек, органик-ноорганик перовскитлар ва улар асосида яратилган фотоэлектрик қурималарнинг радиацион деградацияси ҳақида кетма-кет босқичларни: радиация дефектнинг шаклланиши, радиация-стимулланган билан молеллаштириш вилинган диффузия ва нуқсонлар орасидаги квазикимёвий реакциялар ўрганилган. Ушбу кетма-кет босқичларни амалга оширишда иккита таъсир юзага келади: тақиқланган зонада электрон спектр ўзгариши ва интерференцияларнинг геометрияси. Ушбу таъсирларнинг иккаласи ҳам перовскит материаллар ва қурилмаларнинг фотовольтаик параметларига тубдан таъсир қилиши мумкин. Дефектларнинг шаклланиш жараёнлари учун йод таркибидаги элементларнинг валент ва субвалент зоналарнинг нурланиши билан ионлаш ва йод зарраларининг панжара атомларига икки босқичли энергия ўтказиш йули билан эластик жой алмашиниши муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилди радиацияли диффузия учун нуқсонларни алмаштиришни рағбатлантиришнинг энг муҳим каналлари чуқур даражадаги марказларни турли ҳил зарядлашдир.

Таклиф этилаётган квант-кимёвий модел жараёнлари тасвирлаш ва моддаларнинг фотокимёвий ва фотоэлектрик ҳусусиятларини башорат қилиш имконини берди ва нанотизимларга ҳам қўлланиши мумкин.

“Тажриба маълумотларини тасвирлаш учун электрон тавсифларни моделлаштириш натижаларидан фойдаланишнинг баъзи жиҳатлари” деб номланган олтинчи бобда ХТ деацетиллаш реакцияси бўйича тажриба маълумотларини тасвирлаш, ХЗ иштирокида эҳтимолли реакцияларни муҳокама қилиш, чўктириш коацервация усулида ХЗ нанозарраларни ҳосил қилиш учун квант-кимёвий ва молекуляр динамик ҳисоб-китоблар натижалари келтирилган. Шунингдек, карбоксиметил ҳосилаларни олиш бўйича тажриба маълумотлари билан моделлаштириш боғлиқлиги ҳамда уларнинг асосида нанозарраларни олиш натижалари муҳокама қилинди. Металлар билан ўзаро муносабатларга таъсир қиладиган ХЗ электрон тузилиш параметрлари белгиланди. Шунингдек, пахта уруғи бўклишига биологик фаол полимерларнинг таъсирини ўрганиш учун феноменологик ёндашувлар ва синергетика усуллари қўлланиши муҳокама қилинди. Ҳисоб-китоблар натижалари униб чиқишдан олдин уруғ билан сув сорбцияси тезлиги ва полимер плёнканинг намлик билан тўйинганлик даражасини аниқлашга имконини берди.

